







## ЯНА ЎЗБЕК БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

1-6 декабрь кунлари Хиндистоннинг Ахмадобод шаҳрида ўтказилган Эй-Ти-Пи (АТР) Челленжер йирик теннис турнири шов-шув билан якулланди. Ўзбек теннисчиси Вадим Куценко яккама-якка финал беллашувида Австриянинг энг кучли ўйинчиси Герберт Вилтшингани 6:1, 6:4 ҳисобида енгди ва АТР вакиллик турнирида бизнинг дунё тан ола бошлаган теннисимизга яна бир салобатли галабани олиб кирди.

Мусобақада Португалиядан Жоао Силва, Франциядан Фредерик Фонтанг, Чехиядан Мартин Хромек ва Австриядан Рейнер Фалетт каби жаҳоннинг кўлаб мамлакатларидан таниқли теннисчилар иштирок эттиди.

Вадим Куценонинг 6:3, 6:1 ҳисобда якунланган белгиялик Лоуренс Тилман билан биринчи учрашуви ўзбек теннисчиси маҳоратининг қай даражада ўсганини намойиш этди. Турнирдаги мажбурий илк галаба кўпчиликлари теннис кадр-ловчиларини бу ҳақда гапиришга мажбур этди.

Маҳаллий ишқибозлар орасидаги ҳақиқий шов-шув эса Вадимнинг Хиндистондаги энг кучли теннисчи Лиандер Паисни 7:5, 6:2 ҳисобда мағлубиятга учратганида бошланди. Мусобақалар давомида ўйинчилар бор куч ва маҳоратларини сарфлашга ҳаракат қилганликлари кузатибди. Унингнинг биринчи босқичдаги тай-брек мусобақасида Паиснинг яккама-якка беллашувида устун келиши кутилган эди, ammo ўйин натижаси Куценко фойдасига ҳал бўлди.

«Куценонинг Паис билан олиб борган беллашуви — бу ҳақиқий санъатдир. У ҳинд теннисининг ўта кучли эканини ва унинг минглаб тарафдорлари борлигини билар эди. Шундай бўлса ҳам руҳий ҳолат, табиий бақувватлик ва энг муҳими усталик ҳамда мақсадга тирриқчилик ўзбек спортчисини юқори шохсупага олиб чиқди». Ушбу сўзлар ватандошимиз ўйини ва ўзбек теннисининг ўсиб бораётган мавқеи тўғрисида ҳинд матбуотида эълон қилинган фикрлардан биридир.

Ушбу қувончли хабар сўнггида шунинг эслатиб ўтиш жоизки, мусобақада кўлга киритилган биринчи ўрин Вадим Куценкога АТР профессионал жадалига ўз активига 60 очко ёзиб қўйишга имкон берди.

**Аслом АКБАРОВ,**  
**«Жаҳон» АА мухбири.**  
**Деҳли.**

## ФУТБОЛ



Утган ҳафта футбол бўйича 1998 йил Францияда ўтказилган 16-жаҳон чемпионатининг финал босқичига қўрға ташланди. Барча саралаш мусобақаларини муваффақият билан ўтказган 32 мамлакат терма командаси саккиз гуруҳга бўлиниб олишди.

Очилишни айтилган бўлса, 16-жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақалари қўтилмаган натижаларга бой бўлди. Оврупадан Чехия, Словакия, Россия, Швеция, Польша сингари мамлакатлар финалда қатнашиш шарафидан маҳрум бўлди.

Бизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тасарруфидаги мамлакатлардан бирортаси ҳам Франция йўлланмасини кўлга киритолмади.

Шундай қилиб финалда қатнашиши лозим бўлган командалар ўртасида ташланган қўрға натижалари шундан далолат бериб турибдики, чемпионатнинг барча учрашувлари жуда ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда.

**«А» гуруҳи:**  
1. **Бразилия**  
2. **Шотландия**

## ФРАНЦИЯГА МАРАДОНА БОРАДИ

3. **Маракаш**  
4. **Норвегия**

Куриб турибди, ушбу гуруҳни бевосита Бразилия терма командаси бошқариши табиий ҳол. Улар шу кунга қадар тўрт бор жаҳон чемпионлигини кўлга киритишган. Қолган уч терма команданинг куч ва имконияти деярли бир хил.

**«В» гуруҳи:**

1. **Италия**  
2. **Чили**  
3. **Камерун**  
4. **Австрия**

Ушбу гуруҳ командалари ҳақида фикр билдирганда шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, пешқадамликка бир йўла икки команда — Италия ва Камерун асосий даъвогар бўлиши мумкин. Италияликлар уч бор жаҳон чемпиони бўлганлигидан қатъий назар Камерун терма командаси билан жиддийроқ ўйнашга тўғри келади.

**«С» гуруҳи:**

1. **Франция**  
2. **ЖАР**  
3. **Саудия Арабистони**  
4. **Дания**

Франция терма командаси майдон эгаси сифатида катта имкониятга эга. Бироқ гуруҳда Оврупонинг собиқ чемпиони Дания ҳам бор. Шунингдек, саудияликлар ҳам аниқ команда эмас. Умуман бу гуруҳда ҳар тўрт команда ҳам кескин курашиш қудратига эга.

**«Д» гуруҳи:**

1. **Испания**  
2. **Нигерия**

3. **Парагвай**  
4. **Боливария**

Ўз-ўзидан маълумки, чемпионатнинг энг қизиқарли учрашувлари «Д» гуруҳида бўлиб ўтади. Испанияни кучли деяр санайдиган бўлсак, Болгария ҳам улардан қолмайди. Утган галги жаҳон чемпионатида болгарлар немисларни мағлубиятга учратиб, ярим финалгача етиб келишган эди.

Лотин Америкаси вакили — Парагвай ҳам бу чемпионатда қўтилмаган ўйинлар кўрсатишига ишонч бор. Чунки улар ҳар йили Бразилия, Аргентина, Уругвай терма командалари билан икки, уч бор учрашиб тажриба тўплашди.

**«Е» гуруҳи:**

1. **Голландия**  
2. **Бельгия**  
3. **Корея**  
4. **Мексика**

Тан олиш керак, Голландия терма командасини ушбу гуруҳда энг кучли дейиш мумкин. Бироқ, жаҳон чемпионатларида уларнинг омади чопмаслиги илгаридан маълум.

Бельгия эса дунёнинг энг нуқуллай терма командаси ҳисобланади.

**«F» гуруҳи:**

1. **Германия**  
2. **АҚШ**  
3. **Югославия**  
4. **Эрон**

Америка Қўшма Штатларида футбол тез суратда ривожланганлиги шундан аниқки, улар 15-жаҳон чемпионатини (1994) ўз майдонида қабул қилган эди. АҚШ гуруҳда уртамисна ҳисобланса-да, ватан шавқатини кўтариш учун бор им-

кониятдан усталик билан фойдаланиш фазилатига эга.

Германия терма командаси ҳақида нима дейиш мумкин? Немислар дунёга шуниси билан танишди, улар олти марта финалга чиқиб уч марта чемпион бўлган.

**«G» гуруҳи:**

1. **Руминия**  
2. **Колумбия**  
3. **Англия**  
4. **Тунис**

Бу гуруҳда ғолиблик учун Англия, Руминия, Колумбия кескин курашадилар. Бу борда футбол ватани бўлмиш Англиянинг имконияти нисбатан кўпроқ.

**«H» гуруҳи:**

1. **Аргентина**  
2. **Япония**  
3. **Ямайка**  
4. **Хорватия**

Маълумки, 16-жаҳон чемпионатида дунё футболнинг «юлдузи» Диего Марадона Аргентина терма командасини сардор сифатида майдонга олиб чиқарди.

Қўрға натижаси ўз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионатининг финал босқичида қатнашаётган Япония терма командаси учун Аргентина билан майдонга чиқиш тарихий воқеа ҳисобланади.

Гапнинг лундасини айтганда, ниятимиз... ким кучли бўлса, шу команда жаҳон чемпионлигига эришин.

**Нормурод МУСОМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ПАГАНИНИ ИЗДОШЛАРИ — ТОШКЕНТДА

**Республика байналмиал маданият марказида Фернандо Антонелли ва Гвидо Фихтнерларнинг (Италия) «Паганини дуэти» концерти бўлиб ўтди.**  
**Мазкур концерт Италия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил қилинди.**

«Паганини дуэти»нинг муваффақиятли намойиш этилишига иккита асос бор. Биринчи сабаб — бу ўз мамлакатларидан йироқда ҳам машҳур бўлган созандалар ижро маҳоратининг юксак даражадалигидир. Скрипкачи Фернандо Антонелли — Миландаги олий миқлий консерваториянинг фахрий профессори ва ушбу консерваториянинг олий му-

кофоти эгаси. У қатор мусиқий ансамбллар ташкил қилган, хусусан, 1973 йилда «Паганини дуэти»ни тузган. Гвидо Фихтнер эса Удинедаги олий миқлий консерваториянинг гитара бўйича фахрий профессори, Беникасим ва «Рене Бартали» номли Арл шаҳрида ўтган халқаро танловлар ҳамда Плезансадаги олий миқлий консерватория ва Париждаги «А. Корто» мусиқа мак-

табининг биринчи мукофотлари соҳиби ҳисобланади.

Иккинчи сабаб — скрипка ва шарма гитаралари жўрлиги асосида вужудга келувчи гаройиб мусиқий товушлар Н. Паганини, М. Жулиани, Ф. Тарреги, П. де Сарасате асарларини намойиш қилиш орқали дуэт репертуари доим томошабинлар қалбини забт этишидир.

— Утган асрада кўплаб Европа зодагонлари салонларида, меҳмонхоналарнинг романтик руҳида машҳур созандалар иштирокида унчалик катта бўлмаган ансамбллар концертлари тез-тез ўтказилиб турилган, — дейди Фернандо

Антонелли. — Ана шундай мусиқий кечаларда Николло Паганини баъзан скрипкадан чекланиб гитарада ҳам ўз маҳоратини намойиш этган. Кейинчалик мусиқали меҳмонхоналар ўрнини концерт заллари эгаллай бошлади. То-мошабинларнинг айримлари мусиқий лирика ҳамда меҳмонхоналарнинг асл руҳи йўқолиб кетганлигидан нолий бошладилар. Айнан мана шундай анъанавий кайфиятни биз ҳозир ўз концертларимизда қайта тиклаш ниятидамыз.

Ўзбекистон пойтахтида «Паганини дуэти»нинг асл мақсади тўлалтигича амалга ошди. Тошкентлик томошабинларнинг олқишлари концерт давомида узулкисиз янради.

**О. ШАТУНОВСКИЙ,**  
**«Жаҳон» АА мухбири.**

## МАРКЕТИНГ КОМПАНИЯСИ

маркетинг тадқиқотларида ишлашдан манфаатдор бўлган шахсларни


### ПРОЕКТ МЕНЕЖЕР АССИСТЕНТИ

лавозимига ишга таклиф қилади.

Давоғарларга бўлган талаблар:  
Еши 23-30 да бўлиши, ижтимоий фанлар соҳасида олинган олий маълумот (социология, психология, бизнес, маркетинг, тиллар), ўзбек, рус, инглиз тилларини эркин равишда билиши шарт. У аналитик қобилиятларга ва муносабат маҳоратларига эга бўлиши лозим. Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларга сафар қилиш лавозим шартларига кирари.

Манфаатдор бўлган шахслар  
34-94-55, 34-92-92, 34-93-83 телефонлари орқали қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

## «ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ



**ГРИЛЬ, ХОТ-ДОГ**  
**УЧУН МОСЛАМАЛАР.**



Тел.: (3712) 79-14-29, 79-88-54.  
«С. Раҳимов» метро бекати.



**TEXASO**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

## ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ



**Бош муҳаррир**  
**Аббосхон УСМОНОВ**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 133-57-34;  
Хукуқ ва қонунчилик 136-07-94;  
Иқтисодийёт 136-36-65;  
Мамлакат 136-35-60, 132-10-65;  
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;  
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;  
Халқаро ҳаёт 132-11-15;  
Котибият 133-10-28;  
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  
Буюртма Г — 0823, 33.805 нуҳада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2  
Газета IBM компьютерида терилди  
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва  
Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи муҳаррир — Ж. Сафоев,  
Набатчи — Ш. Каримов,  
Мусавҳах — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси,  
41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Босишга тоширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6